

КОНСТИТУЦИЯ-ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Бокубаев Комил Юлчибаевич

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университетининг Кўқон филиали
катта ўқитувчиси. 94 023 07 13

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун моҳияти, инсонпарварлиги, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолати, Конституция ва қонуннинг устилиги, Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ёритилган. Шунинг билан бирга талабаларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришига доир амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: конституция, инсон, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, фуқаролик жамияти, олий таълим, юридик лавозим, ҳуқуқий тарзибот, фуқаро.

КОНСТИТУЦИЯ ЯВЛЯЕТСЯ ГАРАНТИЕЙ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыта сущность новой редакции Конституции Республики Узбекистан, ее гуманность, гарантия прав и свобод человека, верховенство Конституции и закона, организация государственной власти. При этом даются практические предложения и рекомендации по развитию правосознания студентов.

Ключевые слова: Конституция, чэловэк, правосознание, правовая культура, гражданское общество, высшее образование, юридическое образование, юридическое продвижение.

CONSTITUTION - HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS GUARANTEE

ABSTRACT

This article describes the essence of the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, its humanity, the guarantee of people's rights and freedoms, the supremacy of the Constitution and the law, and the organization of state power. At the same time, practical proposals and recommendations are given for the development of students' legal consciousness.

Keywords: Constitution, people's,egal, consciousness, legal culture, civil society, higher education, legal education, legal propaganda.

КИРИШ

Хуқуқий таълим шахсга муайян кўламда ва маълум даражада билим, кўнишка ва малака беришга, шунингдек ҳуқуқий онгли фаолиятни ривожлантиришга қаратилган мураккаб жараён хисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳуқуқий таълим ҳам, барча таълимлар сингари икки томонлама ҳарактерга эга. Яъни у ўқитувчи (таълим берувчи) ва ўқувчи-талаба (таълим оловчи) ларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида амалга оширилади. Ҳуқуқий таълимнинг мувоффақияти, биринчидан, таълим берувчи билан таълим оловчи ҳамкорлигидаги фаолиятнинг фаол тарзда ўтишига, иккинчидан, нималардан сабоқ берилишига, ким томонидан ташкил қилинишига, уни қандай методлар билан амалга оширишга ва нималарнинг ўқитилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, ҳар бир халқ, миллат ўз истиқболига эришгач янги мустақил давлат сифатида ташкил топганлиги, мақсади, келажак истиқболини ўз Конституциясида белгилаб қўяди. Дунёдаги мавжуд Конституцияларнинг барчasi уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, ижтимоий холати, маънавияти ва маданияти билан бевосита боғлиқдир. Шундан келиб чиққан холда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам халқимиз табиатига мос барча маънавий-маданий қадриятларни, халқимиз донишмандлигини, аҳлоқий фазилатларини, инсонпарварлик хусусиятини ўзида мужассам этган.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меҳнатсевар, бунёдкор халқимизнинг дилидан жой олиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мажбуриятларини ўзида мужассам этган асосий дастурул амал сифатида майдонга чиқди¹. Янги Конституциямизнинг инсонпарварлиги, ҳаётийлиги, мукаммаллиги, серқирралиги, келажакнинг ҳамма талабларига жавоб бера олиши исботланмоқда. Бу эса истиқлол йилларида Янги Конституциямизни яратиш йўлида амалга оширилган улкан ва машақкатли меҳнат самарасидир.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси баъзи моддалар таҳлили. Янги Конституциямизнинг 22-моддасида Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона фуқаролик ўрнатилиши, 23-моддасида давлат ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши, 24-моддасида республика худудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ

¹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 й 01.05. 33 бет.

ва эркинликлари халқаро хуқуқ нормалариға мувофиқ ҳимояланиши кафолатлаб қўйилган.

Янги Конституциямизнинг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик хуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Шунингдек 14-моддасида: давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширишини мустаҳкамлаб қўйган.

Конституция инсон хуқуқ ва эркинликларининг кафолати деб яна шуни таъкидлаб айтиш жоиз-ки, Янги Конституциямизнинг 109 моддасига эътибор қаратадиган бўлсак,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир” деб белгилаб қўйилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Ушбу меъёр давлат бошлиғи, юртбошимизнинг ҳар бир инсон ва фуқароларнинг ҳақ-хукуқлари учун шахсан кафил эканлигини кўрсатиб турибди. Янги Конституция ва янги Ўзбекистоннинг барча қонунлари, олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу улуғ мақсад йўлида давлатимиз умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланиб, инсон ва фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаб келмоқда.

Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига миллий қонунчилигимизда нафақат инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки инсонпарварлик тамойиллари ҳам кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Унинг мақсади Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлиги ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда белгиланган ваколатларни аниқ ва офишмай амалга ошириш учун Конституциявий суд ўз

фаолияти давомида қўйидаги асосий принципларга амал қиласди. Булар, Конституциянинг устунлиги, мустақиллик, коллегиаллик, ошкоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплариdir.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига масалалар киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринbosари - Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гурухи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гурухи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил эгадирлар². Шунингдек, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Конституция - тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эга бўлиб тўғридан-тўғри амал қиласди ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

² Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шархлар. Тошкент «Ўзбекистон» 2013 й.

Демак, қонунларга қатъий амал қилсак, давлат ва жамият олдидаги бурчимизни адо этган, қолаверса мамлакатимизни гуллаб яшнашига ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда ҳалқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматини сақлаш, шахснинг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақлидир. Қабул қилинган Янги Конституция инсонпарварлиги билан ҳалқнинг келажагини ўйлайди ва унга хизмат қиласди. Халқ давлат учун эмас балки Давлат идоралари ҳалқка хизмат қилмоғи лозим деб бежиз айтмаган юртбошимиз Шавкат Мирзиёев.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «ЎЗБЕКИСТОН» ТОШКЕНТ – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. «ЎЗБЕКИСТОН» ТОШКЕНТ – 2003 й.
3. И.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда » Тошкент : Ўзбекистон, 1999 й. 396.
4. И.Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» Тошкент : Маънавият, 2008 – 89 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-yil 9-yanvardagi PF-5618-сон Фармони.
6. Сайдуллаев Ш.Давлат ва ҳуқуқ назараияси. Дарслик–Тошкент ТДЮУ,2018.
7. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тизимида тубдан такомиллаштиирш тўғрисидаги ПФ Тошкент. 2019. , [26.12.2023 8:29]
8. А.Ҳакимов. Цивилизация тушунчаси ва унинг гносеологик моҳияти. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук.2023 й188-192 бетлар
9. A Khakimov Modern approaches to civilization and sociological trends in the development of civil society Экономика и социум, 2020